



Сиракузнинг забт этилиши

264-хижрий йил Рамазон ойининг 14-санасида (878 йил 20 май) тўққиз ойлик камалдан сўнг мусулмонлар Сицилиянинг буюк шаҳарларидан бири ва насронийларнинг оролдаги сўнгги таянчини эгаллаб олдилар. Бунгача мусулмонлар ушбу мустахкам истехком саналган калъани забт этишга бир неча бор ҳаракат килган, лекин бу ҳаракатлар ижобий натижа бермаганди. Гап шундаки, калъани кулга киритиш катта кийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, ҳар тарафлама тайёргарлик талаб киларди. Бирок Сицилиядаги ички ихтилофлар ва Шимолий Африкадаги мусулмон ҳукмдорлари заифлиги туфайли жиддий ҳужум қилишнинг имкони бўлмасди. Вазият Африканинг янги ҳукмдори Иброҳим ибн Аҳмад пайдо бўлганидан кейин ўзгарди. У Сиракуза масаласини узил-кесил ҳал

килишга карор килади. Сицилияга араб флотини жўнатиш хакида карор қабул қилинади, у ерда сицилиялик мусулмонлар қўшини билан ҳаракат қилиш кузда тутилади.

Ибн ал-Асирнинг гувоҳлик беришича, Сицилия мусулмонларининг ҳарбий ҳаракатларини Орол ҳукмдори Жаъфар ибн Муҳаммад бошқарган. У ҳарбий юришни Сиракуза, Катания, Таормина, Раметта ва бошқа калъалар яқинидаги экинларни йўқ қилишдан бошлади.

Шундан сўнг 877 йилнинг августида мусулмонлар шаҳар четидаги айрим жойларни эгаллаб, Сиракузани денгиздан ва қуруқликдан ўраб олишди.

Византияликлар ҳимояга яхши тайёргарлик қўришганди. Бирок мусулмонлар ўша давр учун камал қилиш машиналарининг энг хилма-хил ва илғор турларига ҳам эга эдилар. Уларнинг ҳаракати шу қадар ҳалокатли эдики, насронийлар уларни қўриши билан даҳшатга тушарди. Кеча-кундуз калъа катапульта томонидан ўққа тутиларди, унга яқинлашиш бўйича шиддатли жанглар олиб борилди. Бир оздан сўнг камал қилинган Сиракузада қучли очарчилик сезила бошлади. Озик-овқат нархлари кескин кўтарилди, ҳолдан тойган аҳоли ўликларнинг жасадлари ва болаларни ейдиган даражага бориб етди. Натижада юзага келган эпидемия ўчоғи минглаб аҳоли қирилиб кетишига сабабчи бўлди.

Сицилиядаги сўнгги йирик Византия марказининг аҳоли император Михаилни ёрдам қораларини қўришга ундаши керак эди. Бирок, у ўз саройи яқинида янги черков қуриш билан шу қадар машғул эдики, Сиракузани ҳимоя қилиш учун қучли флот юборишни зарур, деб ҳисобламади. Флотнинг шаҳарни қутқариш учун юборилган қисми ҳеч нарса қилмади: денгиз қўмондони Адриан Пелопоннеснинг Моне́мвасиа шаҳрига сузиб борди ва унинг портига тўхтади, Сицилия учун қулай шамолни шунчалик узок қутдики, мусулмонлар томонидан Сиракуза қўлга қиритилгани хакида янгиликлар у хали Грецияда эканлигида етиб боради. Бундан ташқари, империянинг Шаркий чегарасида, Кичик Осиёда қутилмаганда юзага келган асоратлар Константинополнинг диққат-эътиборини Сиракузадан қалғитди.

Айни пайтда, мусулмонлар, аллақачон денгизга ҳукмронлик қилган ҳолда, ҳар икки Сиракуза портлари қириш ҳимояланган истехкомларини вайрон қилдилар. Мунтазам равишда тошлар билан ўққа тутиш оқибатида катта портдаги денгиз бўйидаги миноралардан бири ёрилиб, қулаб тушди ва орадан беш кун ўтиб, Рамазон ойининг 10-санасида деворнинг туташ қисми қулаб тушди, шунда жуда катта бўшлиқ пайдо бўлди. Мусулмонлар айнан шу ерга зарба бердилар. Бирок византияликлар ўз патрицийи раҳбарлиги остида жон-жаҳд билан ҳимояландилар, жанг майдони ўликларга тўлиб кетганди. Рамазон ойи қелиши билан тўққиз ойдан бери давом этаётган камалнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди.

264-ҳижри йил Рамазон ойининг 14-санаси тонги жуда осойишта эди. Шу сабабли патрицийлар қўшиннинг асосий қисми билан ҳам олиш учун шаҳар деворларидан узоклашди. Девор ёриги олдида Иоанн Патрин бошчилигида кичик гуруҳ қолдирилди, ҳолос. Камалдагилар ҳужум қутишмаганди.

Қутилмаганда мусулмонлар барча тошотар машиналардан бирданига калъани ўққа тутишни бошлади. Камалдагилар ярим вайронага айланган минора билан алоқа қилиб турган ёғоч нарвон бузилиб кетди. Шовкинни эшитиб, патрицийлар ўрнидан сакраб турди ва тезда ҳимоя қилиш учун деворларга шошилди. Лекин улар кеч қолганди. Минорани ҳимоя қилаётган отряднинг кам сонли эканлигини қўрган мусулмонлар тезда уни эгаллаб олиб, Иоанн Патрин бошчилигидаги бутун отрядни қириб ташладилар, шундан сўнг ёрик орқали шаҳарга қириб кетдилар. Византия армиясининг Ҳалоскор

ибодатхонаси ёнида уларнинг йўлини тўсишга уринган гуруҳи дарҳол мағлуб бўлди. Етмишта жангчиси билан бир минора ичига беркиниб олган Патриций каршилиқ кўрсатиш учун сўнгги умидсиз ҳаракат қилди, лекин эртаси куни асир олинди ва шаҳар қўлга олинган кундан кейин саккизинчи куни у қатл этилди.

Сиракузани қўлга олиш вақтида шаҳарда бўлган роҳиблардан бирининг сўзларига кўра, мусулмонлар қалъага киргач, Сиракузанинг асосий ибодатхонасида ибодат пайти бўлган. Миноранинг қўлга олиниши ҳақидаги хабар черковга келганида, насронийлар кўркувдан даҳшатга тушиб қолганди. Рухонийлар тезда ўзларининг диний либосларини ташлаб, оддий кийимларни кийишди, кейин меҳробга яширинишди, бу ерда ҳавф таҳдидидан олдин гуноҳларини кечириш учун бир-бирларини дуо қила бошладилар. Тез орада мусулмонлар ибодатхонага қиличлар билан кириб келишди ва улардан бири меҳробга кириб, у ерда бошқа рухонийлар билан епископни қўрди. Араб жангчиси уларга ҳеч қандай зулм қилмаган (акс ҳолда роҳиб Сиракузани босиб олиш ҳақида хат ёзмаган бўларди). Рухонийлардан қайси бири епископ эканлигини билгач, ундан қимматбаҳо черков ашёлари сакланадиган ризахонанинг жойлашган жойи ҳақида сўради. Епископ мусулмонларни у ерга олиб келишга шошилди. Йўлда ва ризахонада, рухонийнинг гувоҳлигига кўра, маҳбуслар ҳеч қандай ҳақоратларга дучор қилинмаганлар. Худди шу куни маҳбуслар шаҳардан черковда ўтирган Бош амирнинг олдида олиб чиқиб кетилди. Уларни зиндонга солиш буюрилди. Уларнинг орасида қамал пайтида Сиракуза деворларидан Пайгамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламни ҳақорат қилганлар шафқатсиз қатл этилди.

Ибн ал-Асирнинг ёзишича: “Улар (яъни мусулмонлар) шаҳар олингандан кейин у ерда икки ой қолиб кетдилар, кейин уни вайрон қилдилар. Шаҳар вайрон қилинганидан кейин Константинополдан флот етиб келди. Мусулмонлар уни ҳам мағлуб этдилар, тўртта кемани қўлга киритиб, у ердаги барчани қатл қилдилар. Мусулмонлар Зул-қаъда ойининг охирида (878 йил 8 июль-3 август) ўз вилоятларига кетдилар”. Шундай қилиб, июлнинг охирида голиблар асирлар ва мисли қўрилмаган ҳарбий ўлжалар билан мусулмон Сицилияси пойтахти – Палермога қайтдилар ва у ерда тантана билан кутиб олиндилар.

Сиракузанинг қулаши Византия императори Василийни мусулмон дунёсига қарши кураш режасидан воз кечишга мажбур қилди. Сицилияда етарли микдорда қуруқликдаги қўшин ва флот билан қатъий чора қўриш мумкин эмасди. Яқинда қўлга киритилган Кипр яна византияликларга топширилди. Сиракузадаги муваффақиятсизлик Византия императорининг режаларини пучга чиқариб, унинг мусулмонларни босиб олиш сиёсатининг қулашини тан олишга мажбур бўлди.

Абу Муслим таржимаси